

Ҳаммод ибн Салама ё ҳадис айтарди, ё Қуръон ўқирди, ё тасбеҳ ёки салавот айтарди



14:10 / 03.02.2019 2902

Ҳофиз Заҳабий «Тазкиратул Ҳуффоъ»да муҳаддис имом Ҳаммод ибн Салама Басрий Баззоъ Хироқийнинг таржимаи ҳолларини қуйидагича келтирган: «Муҳаддис имом, наҳв билимдони, ҳофиз, шайхул ислом бўлган бу зот 92-ҳижрий санада туғилиб, 167-санада вафот топган. Бу зот ибн Абу Аруба билан бирга энг аввал китоб тасниф қилган кишилардан ҳисобланади. Араб тилининг моҳир билимдони, фақиҳ, фасоҳат билан гўзал сўзлагувчи, суннат соҳиби бўлган бу зот кўп ибодат қилувчи обид ҳам эди».

Унинг шогирди Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади: «Агар Ҳаммод ибн Саламага: «Сиз эртага вафот этасиз», дейилганида ҳам, қилаётган амалига бирор нарсани зиёда қила олмасди. (Чунки шу даражада кўп амал

қилардики, буларга яна зиёда қилишнинг ҳеч имкони йўқ экан).

Мусо ибн исмоил Табувзакий айтади: «Агар мен сизларга Ҳаммод ибн Саламанинг кулганини кўрмаганман десам, албатта рост айтган бўламан. У ё ҳадис айтиш, ё Қуръон ўқиш, ё худ тасбеҳ, ё салавот айтиш билан машғул бўларди. Кунни шу нарсаларга тақсим қилганди. Юнус ал-Муаддиб: «Ҳаммод ибн Салама намозда вафот этди, унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан